



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

“ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI”

mavzusidagi III xalqaro ilmiy-nazariy va
amaliy anjuman materiallari



2026-yil 12-fevral





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

BOBUR NOMLI XALQARO JAMOAT FONDI

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR
MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA
MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI**

III xalqaro ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari

Toshkent – 2026



I SHO'BA. ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR HAYOTI VA FAOLIYATI, DAVLATCHILIK SIYOSATI

БОБУР ҲАРБИЙ МАҲОРАТИНИНГ ҚАНДАҲОР ЖАНГИДА НАМОЁН БЎЛИШИ THE DEMONSTRATION OF BABUR'S MILITARY MASTERY IN THE BATTLE OF KANDAHAR

Ҳамидулла Дадабоев Арипович

Филология фанлари доктори,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
профессори

E-mail: h_dadaboyev@mail.ru

ORCID: 0000-0002-6298-2965

DOI: [10.52773/tsuull.conf.2026./DGAI9542](https://doi.org/10.52773/tsuull.conf.2026./DGAI9542)

Аннотация. Жаҳон ҳарб иши ва ҳарб санъатининг ривожланишига сезиларли улуш қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жанг олиб бориш тактикаси ва стратегияси хусусида тарихчилар, сиёсатшунослар, ҳарбий мутахассислар, шунингдек, тил тарихи билан шугулланувчилар томонидан турфа фикрлар баён этилган, илмий, илмий-оммабоп мақолалар, рисоалар чоп этилган. Шунга қарамаслан, сон жиҳатдан унча катта бўлмаган Бобур бошлиқ черигнинг ўзидан бир неча баравар йирик ёв қўшинидан тап тортмай дадил жанг майдонига қадам қўйгани, уруш натижасини ўз томонига оғдириш мақсадида Бобурнинг ранг-баранг усулларни ишлаб чиққани, уларни муносиб истилоҳлар билан атагани ва амалиётда дадил қўллагани хусусида мавжуд ашёвий материаллар, хоссатан, “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий” сингари манбаларда қайд этилган воқеа-ҳодисалар баёнида аксини топгани борасида махсус изланишларгеп кенг йўл очишни талаб қилади. Зикр этилган мулоҳазадан узоқлашмаган ҳолда, ушбу мўъжаз мақолада Бобурнинг ҳижрий 913-йилда Қандаҳорга яқин Халишак мавзесида ога-уни Шоҳбек ва Муқим билан содир бўлган тенгсиз тўқнашувда ишлатган ҳарбий тактикаси, яъни муҳораба майдонида чериг жанговар тартибининг мутлақо янги усулда жойлаштирилиши, аскарий бўлинмаларнинг аталиши борасида мулоҳаза юритилди.

Калит сўзлар: ҳарбий тактика, ҳарбий терминология, жанговар тартиб, ясол, бўй, ички, чериг.

Annotation. Numerous historians, political scientists, military specialists, as well as scholars engaged in the study of the history of language, have expressed diverse views and published scholarly and popular-scientific articles and treatises on the tactics and strategy of warfare employed by Zahiriddin Muhammad Babur, who made a significant contribution to the development of



world military affairs and military art. Nevertheless, the fact that Babur's army—modest in number—entered the battlefield with courage against enemy forces several times larger, as well as Babur's development of various methods to turn the outcome of war in his own favor, his coining of appropriate military terms for these methods, and his bold implementation of them in practice, as documented in such primary sources as Baburnama and Tarikh-i Rashidi, calls for extensive specialized research. Proceeding from this observation, the present concise article examines the military tactics employed by Babur in 913 AH near Kandahar, in the locality of Khalishak, during the unequal confrontation with his brothers Shahbek and Muqim. In particular, the paper discusses Babur's innovative arrangement of troop formations on the battlefield, the deployment of units in a completely new manner, and the terminology used to designate these military divisions.

Keywords: *military tactics, military terminology, battle formation, yasol, boy, ichki, cherig.*

Буюк ипак йўлининг устида жойлашган, Бобур таъбирича, Ҳиндистон билан Хуросонга восита Қандаҳор Ғазни вилоятининг йирик шаҳарларидан бири саналган. Амир Темур ҳукмронлиги давридан то 1855 йил, яъни Афғонистон таркибига киргунга қадар ушбу шаҳар Темурийлар қўл остида бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо вафотидан кейин Хуросон ерлари яшин тезлигида Шайбонийхон томонидан эгалланганига тарих шоҳид. Машҳаднинг Темур Султон ҳамда Убайдуллоҳ Султон бошлиқ чериг томонидан забт этилиши ҳамда Султон Ҳусайн мирзонинг икки ўғли - Абулмуҳсин ва Кепак мирзоларнинг ваҳшийларча қатл этилиб, бошлари шу кезларда Пули Солорда тўхтаган Шайбонийхонга юборилиши айна пайтда Қандаҳорни Муҳаммад Масъум мирзо номидан бошқараётган Шоҳбек (Шоҳ Шужоъ деб ҳам аталган) ва иниси Муқим арғунни кучли ваҳима ҳамда қўрқувга туширган. Яқинлашаётган улкан ҳавфни бартараф этиш мақсадида оға-ини арғунлар Бобур мирзога элчилар орқали номалар жўнатиб, бириккан ҳолда ёвуз ғанимга қарши курашишни илтимос қилишган. Бобур беклари ва мулозимларини ҳарбий йиғин – машваратга тўплаб, арғунлар билан иттифоқда Хуросонга юриш қилишни режалаштирган ва машваратда қабул қилинган қарорга мувофиқ Қандаҳор томон йўл олган.

Калотга етган Бобур Шоҳбек ва Муқимга: *Сизларнинг сўзунгиз била келдук, ўзбакдак ёт ёғи Хуросонни олди, келинг! Не таврим салоҳи давлат бўлса сизларнинг иттифоқ ва савобдийдингиз била қарор берали* [БН, 271] мазмунида мактуб йўллаган. Бироқ ака-ука арғунлар олдинги сўзларидан қайтиб, Бобурга қўпол ва дағал жавоблар бериб, душманлик қўчасини танлашган. Оқибатда, хижрий 913 йили (1507-1508) Қандаҳор яқинидаги Халишак мавзесида Бобур ҳамда Ҳусайн Бойқаро қўшинида номдор амир



даражасига кўтарилган, 1507 йилда Ҳирот яқинидаги Қораработ номли жойда Шайбонийхон билан кечган жангда ҳалок бўлган Зуннун арғуннинг фарзандлари чериги ўртасида тўқнашув юз берган.

Калот ва Қандаҳор оралиғида, Қандаҳорнинг шимоли-шарқида жойлашган Шаҳри Сафо мавзесидан кўчган Бобур чериги билан кечувлардан бири олдида тўхтагач, арғунлар билан яна бир карра сўзлашишга қарор қилган. Аммо арғунлар келишиш ва ҳамжиҳатликдан қийиклик-у ўжарликни устун билишган. Бобур ҳузуридаги аркони давлат Қандаҳор сари оқаётган дарёларнинг бошланишида жойлашган Бобо Ҳасан Абдол шаҳри ва Халишак мавзеси томон ўтиб, Қандаҳорга кираётган сувнинг йўлини тўсиш маслаҳатини беришган. Ушбу маслаҳатга кўра, Бобур чериги тонгда жибаланиб, отларга кечимлар солиб, *ясол* – жанговар тартиб ясаб, Халишак томон ҳаракат қилган. Шоҳбек ва Муқим ҳам Қандаҳор тоғи этагида чодирлар тикиб, Бобурга қарши жанг қилиш тараддудида турган. Ушбу манзил қалин маҳаллалар ва дархтзор оралиғида жойлашгани боис бу ерда жангга кириш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилгач, Бобур аскарларини Халашакнинг олд томонидан оқиб ўтувчи дарёнинг Қандаҳор тарафидаги ўлангни *юрт*-лашқаргоҳ сифатида танлаган ва шу жойда тушган. Олдинги юришлар, чунончи, Калот сафарига қатнашган икки минг аскар очлик ҳамда танқисликдан қийиналгани сабабли унинг сал кам ярми Халишакка келгач, қўй, қорамол, сомон топиш илинжида мавзенинг турли қишлоқларига тарқалиб кетган эди. Айти шу чоғда *қоровул*-айғоқчи гуруҳ вакили Шеркули илдам келиб, арғунлар кўшинининг етишганидан хабар берган.

Бобур озиқ-овқат, ем-хашак излаш илижида теварак-атрофга ёйилиб кетган жангчиларини тўплашнинг имкони йўқлигини пайқаган ва қошидаги мингта аскарига бош бўлиб, оға-ини арғунларнинг тахминан беш минг кишилиқ лашқарига қарши жангга отланган. Бобур ёзади: *Бу арғунларнинг қаросини олти-етти минг ченарлар эди, тўрт-беш минг яроғлиқ кишида худ ҳеч сўз йўқ эди* [БН, 275]. Жангчиларининг рўпарада турган душманига нисбатан тўрт-беш баробар озлигига қарамай, Бобур черигини авваллари бирор марта қўлланмаган *ясол*-жанговар тартиб ва интизом билан жанг майдонида жойлаштирган. Бобурнинг содиқ навқарлари ва қўлидан иш келадиган йигитларидан тузилган *хосса тобин*-хос гуруҳ ўнлик ва элликликларга бўлиниб, уларга *ўн улуги* ва *элик улуглари* тайинланган. Мазкур бўлинмлар ўзлари учун *ўн қўл* ва *сўз қўлдан* ажратилган *бўлжар*-ўринларини эгаллаб, олдиларига қўйилган вазифани бажаришга тайёр туришган.

Бобур Қандаҳор муҳорбасида минг кишилиқ черигини маъракагоҳда бутунлай янги тартибда жойлаштиришга муваффақ бўлган. Кузатишлар Бобур кўшини ясолининг ўн икки бўлақдан иборат бўлганлиги, уларни аташда давр ўзбек адабий тили манбаларида қайд этилган сўз ҳамда



истилохлардан истифода этилганини кўрсатади. “Бобурнома”да битилишича, *баронгор, жавонгор, ўнг қўл, сўл қўл, ўнг ён, сўл ён, ўнг* ва *сўл* қисмлари уларнинг олдиндан машваратда белгиланган бўлжорларида ўрнашиши учун жавобгар шахс-тавочи назоратида жанггоҳга қадам қўйган. Юзаки қараганда, юқорида қайд этилган сўзлар гўё маънодошларга ўхшайди. Аслида, Бобур ҳар бир сўзга алоҳида маъно юклаб, уларни истилоҳ даражасига кўтарган. XIII юзйилнинг иккинчи ярмидан эътиборан, ўзбек тилига мўғул тилидан кириб келган *жавангар (жувангар)* истилоҳи қатори *барангар (бурангар)*нинг ўзбекча *ўнг қўл* ва *ўнг ён* сингари айни маънони ифодалашди, лекин тилнинг ички имкониятларини ҳисобга олиб, уларни фарқли маъноларда қўллаганини Бобур қуйидагича изоҳлайди: *Агарчи барангар ва ўнг қўл ва ўнг ён бир маънисини бор, вале алфоз тағйири била таъхис мухталиф маонийга мен итлоқ қилдим* [БН, 272].

Бобур арабча *маймана* ва *майсара* истилоҳларига мўғулча *барангар* ҳамда *жавонгар* ўзлашмаларининг маъно жиҳатдан мос тушиши, арабча *қалб* ва мўғулча *гўл* (*қўл* “қўшин маркази”) ўзлашмаси ёрдамида номланувчи қисмнинг буларга алоқаси йўқлиги, марказнинг алоҳида бўлак эканлиги, унинг *ямин* ва *ясорини ўнг қўл* ҳамда *сўл қўл*, деб номлаганини урғулайди: *Нечукким, маймана ва майсараким, барангар ва жавангар дерлар. Ясолда қалбнингким, гўл дерлар, дохили эмас. Мунда бу навъ ясолни сарофате била баронгор ва жавонгор дейилди. Яна гўлким, бошқа ясолдур, мунинг ямин ва ясорини имтиёз(фарқлаш Х.Д.) учун ўнг қўл, сўл қўл битилди* [БН, 272-273].

Гўл-марказдан жой олган *хосса тобин* ҳам икки бўлакдан иборат бўлиб, ямини *ўнг ён*, ясори *сўл ён* истилоҳлари ёрдамида ифодаланган. *Хосса тобинга*, шунингдек, асл туркий *бўй* сўзи билан аталган бўлинма ҳам тегишли саналган. Бобур туркийлар *бўй* деганда “озод, якка, ёлғиз” ни назарда тутишлари, аммо бу ўринда лексема “яқин, қариндош, уруғдош” маъносига қўлланганини алоҳида таъкидлаган. Яъни *бўй* Бобурнинг яқин кишилари-уруғ-аймоғидан ташкил қилинган бўлинма ҳисобланиб, у қадимги туркий тилда “халқ, омма” маъносини англатган *бўд* истилоғининг ўзбекча шаклидир. Арғунлар билан тўқнаш келган Бобур қўшини ясолини чизмада тубандагича тасвирлаш мумкин: !

!	иравул	!
жавангар	!	барангар
сўл қўл	гўл	ўнг қўл
сўл ён	хосса тобин	ўнг ён
сўл	бўй	ўнг

Хўш, Бобур ушбу қисмларни бошқаришга кимларни сардор этиб, тайинлаган эди. Ушбу саволга “Бобурнома”да тўлиқ жавоб бор.

Мирзохон (Бобурнинг амакиваччаси), Ширим тағойи, Ёрак тағойи оға-инилари билан, Чалма мўғул, Айюббек, Муҳаммадбек, Иброҳимбек, Али Саййид мўғул қўл остидаги аскарлари ҳамкорлигида, Султонқули



чухра, Худобахш ва Абулхасан оға-инилари билан бирга баранғардан ўрин олган.

Жаванғарда Абдураззоқ мирзо (Бобурнинг амакиваччаси), Қосимбек қавчин, Тангриберди, Қанбарали, Аҳмад Элчи бўға, Ғўри барлос, Саййид Ҳусайн Акбар ва Миршоҳ қавчин саф тортиб туришган.

Иравул(илғор, аванғар)га Носир мирзо (Бобурнинг иниси), Саййидқосим эшик оқо, Муҳибали қурчи, Бобо ўғли Алловерди туркман, Шерқули қоровул мўғул оға-иниси билан ва Муҳаммадали белгиланган.

Бобур қўмондонлигидаги *ғўл*-марказнинг ўнг қўлига Қосим кўкалтош, Хусрав кўкалтош, Султон Муҳаммад дўлдай, Шоҳмахмуд парвоначи, Қулбойзид баковул, Камол шарбатчи, сўл қўлига Хожа Муҳаммадали, Дўст Носир, Мирим Носир, Бобо Шерзод, Хониқули, Вали хазиначи, Қуллуққадам қоровул, Мақсуд сувчи ва Бобошайх тайинланган. Бобурнинг эътирофича, *ғўл* бутунлай хануз беклик мартабасига эга бўлмаган ичкилардан тузилган, унга улуғ беклардан ҳеч киши жалб этилмаган.

Шербек, Хотам қурбеги, Кепак, Қулбобо, Абулхасан қурчи, мўғуллардан Урусали Саййид, Дарвишали Саййид, Хушкелди Чалма, Дўсткелди Чалма тоғчи, Амачи Минди, туркманлардан Мансур ва Рустамали оға-иниси билан, Шоҳназар ҳамда Суюндуқ бўйдан ўрин олишган.

Ғаним лашкари икки қисмга бўлинган ҳолда жангга кирган. Шоҳбек қўмондонлигидаги аскарлар Бобурнинг баранғар ва *ғўл*-марказ қисмларига рўбарў бўлган. Сон жиҳатдан оғаси лашкаридан биров кам жангчиларга бошчилик қилаётган Муқим Бобурнинг жаванғарига қарши юрган ва Қосимбек қавчин ҳамда юқорида номлари тилга олинган кишиларга кучли зарба берган. Қийин авҳволга тушиб қолган Қосимбек бир неча бор Бобурдан кўмак юборишни илтимос қилган. Аммо Бобур раҳбарлигидаги *ғўл* ҳам ёвнинг шиддатли ҳамлаларини мушкуллик билан қайтараётгани боис жаванғарга ёрдам беришнинг иложи топилмаган.

Ҳар икки томон бир-бирига ёйдан ўқ отишга киришиши билан ёғининг бир гуруҳ аскарлари Бобур иравулини яқсон қилиб, *ғўлга* яқинлашган ва унга хавф солган. Шиддат билан бостириб келаётган душманнинг шашти Бобур ўқчилари томонидан отилган ўқ ёмғири (шиба ўқи) остида биров сўнган. Жанг авжига чиққак чоғда Пирибек туркман тўрт-беш оға-иниси ҳамроҳлигида арғунлардан юз ўгириб, Бобур черигига қўшилган. Шундай бўлса-да, Шоҳбек бошлиқ ғаним Бобур баранғарини босиб, уни Бобо Ҳасан Абдол шаҳридан қуйироқдаги кент ва чуқур ариққача чекинтиришга эришган. Қандаҳор ва унинг кентлари томон оқадиган уч-тўрт ариқ Бобур жаванғари ва Муқим кишилари орасида ўзига хос тўсиқ вазифасини ўтаган.

Бобур жаванғари сони душмани ададидан анчагина оз бўлишига қарамай, уни қочириб, Мурғон тоғининг тумшуғи томон ўтишга муваффақ бўлган. Кўли баландга етган Бобур аскарлари ёппасига душманни қириш,



қочганларни таъқиб этишга киришган. Марказ-ғўл сезиларли талофатга учраган бўлса ҳам Бобур Яратганга таваккал қилиб, ноғораларни қоқиб, тирик қолган ўн бир кишисига бош бўлиб жон-жаҳди билан ҳамон савашаётган Муқим сари от сурган ва уни тор-мор этган. Мағлубиятга учраган Шохбек Қандаҳор яқинидаги Шол мавзесига, Муқим эса, Сеистондаги Замини Довар шаҳри томон қочишга мажбур бўлган. Арғунлар билан кечган муҳорабада зафар қучган Бобур олинган улкан миқдордаги ўлжани аскарлари ва бекларига улашган.

Ушбу қақшатқич тўқнашув натижаси Бобурнинг ўзига хос ҳарбий маҳорат, жанг олиб бориш тактикаси, чунончи, жанггоҳда аскарий бўлинмаларни санъткорона жайлаштириш усуллари юқори даражада эгаллагани, аниқ шароитдан келиб чиқиб, ясолга янгича (новаторлик билан) ёндашиш, оз сонли чериг билан бир неча баробар ортиқ душман лашкарини мағлуб этиш истеъдодига эга бўлганидан яна бир бор гувоҳлик беради.

Хуллас, Қандаҳор жангида қўлланган ва сон жиҳатдан сал кам беш баравар зиёд ғаним устидан зафар қучишга олиб келган тактик усул моҳир саркарда сифатида шаклланган Бобурнинг кўпдан-кўп жанг-у жадаллар, хусусан, Ҳиндистон фатҳи учун Султон Иброҳим Лўдий ҳамда Рано Санго билан кечган муҳорабаларда ўта қўл келганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Бобур томонидан бобоси Соқибқирон Амир Темур сингари ясол-жанговар тартибга киритилган янгиликлар ва уларнинг номи XV-XVI юз йил ўзбек ҳарбий терминологиясининг навбатдаги тараққиёт босқичга чиққанини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Дадабоев Ҳ. Ўзбек ҳарбий терминологияси. Ўқув қўлланма.-Тошкент: Саҳхоф, 2021.
2. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати.-Тошкент: Bookmanу Print, 2024.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома.-Тошкент, 1960.
4. Холманова З., Ҳайитов Ш., Муҳаммадиева Д. Бобур асарлари луғати.-Тошкент: Адабиёт, 2025.